

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

БАХРАНОВ ЛАЗИЗЖОН ЭРКИНОВИЧ

**БАДИИЙ ТАНҚИДЧИЛИКНИНГ ИЛМИЙ-РАЦИОНАЛ ЖИҲАТЛАРИ
ВА УНИНГ ТАСВИРИЙ САНЪАТДАГИ ИНЪИКОСИ**

09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2017

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Бахранов Лазизжон Эркинович

Бадий танқидчиликнинг илмий-рационал жиҳатлари ва унинг
тасвирий санъатдаги инъикоси 3

Бахранов Лазизжон Эркинович

Научно-рациональные аспекты художественной критики и ее
отражение в изобразительном искусстве..... 21

Bakhranov Lazizjon Erkinovich

Scientific and rational aspects of artistic criticism
and its reflection in fine arts 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

БАХРАНОВ ЛАЗИЗЖОН ЭРКИНОВИЧ

**БАДИИЙ ТАНҚИДЧИЛИКНИНГ ИЛМИЙ-РАЦИОНАЛ ЖИҲАТЛАРИ
ВА УНИНГ ТАСВИРИЙ САНЪАТДАГИ ИНЪИКОСИ**

09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2017

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Fal2 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (ik-falsafa@nuu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қорабоев Усмон Ҳосилович,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Норкулов Дўстмурод Тошпўлатович,
фалсафа фанлари доктори, профессор;

Каримов Баходир Нурметович,
филология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.F.01.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «___» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 1000174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 1-қават, 117-хона. Тел.: (+99871) 227-12-24; факс: (+99871) 246-53-21, (+99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 1000174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (+99871) 236-46-55; факс: (+99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

Р.М.Баходиров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор;

О.Д. Нишанова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.д.;

М.А. Нурматова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, ф.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ижтимоий ҳаётдаги гўзаллик ва хунуклик, улуғворлик ва тубанлик, фожиавийлик ва кулгилилик каби ҳодисалар истеъдодли ижодкорлар асарларида акс эттирилиб, дунё халқлари бадиий маданиятига ижобий таъсир этиб келмоқда. Айни пайтда жаҳоннинг аксарият мамлакатларида инсоният бирдамлигини таъминлаш, шахс қадрини мустаҳкамлаш, тинчликни барқарорлаштириш, терроризм ва диний экстремизмни бартараф этиш каби глобал муаммолар ечимини топишда санъатнинг роли бирмунча пасайган. Мазкур ҳолат дунё ҳамжамияти ҳамкорлигини фаоллаштириш ва бадиий маданият имкониятларидан самарали фойдаланишга бўлган эҳтиёжни орттирмоқда.

Мустақиллик туфайли халқимиз ўз тақдирини ўзи яратиш, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш имконига эга бўлди. Миллий қадриятларимиз тикланди, санъат, ижод ва бадиий маданият соҳасида улкан ўзгаришлар рўй берди. Ўзбек тасвирий санъатида янги-янги бадиий йўналишлар пайдо бўлди, серкирра ҳаёт, замондошларимизнинг портретлари, жамиятимизда рўй бераётган ўзгаришларни объектив рангтасвирга тушириш анъанаси шаклланди. Ўзбекистон Бадиий академияси, Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти, Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейи, Болалар мусиқа ва санъат мактаблари ташкил этилиши, Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси, маданият ва санъат масканлари, музейлар барпо қилиниши, халқаро фестиваллар, биенналиллар, нуфузли танловлар ўтказилиши, ўзбек тасвирий санъати намуналарининг дунёнинг нуфузли музей ва галереяларидан ўрин эгаллаши, ёш ижодкорларнинг халқаро танловларда юқори ўринларни қўлга киритаётгани юртимизда бадиий таълим юксалаётганидан, халқимизнинг эстетик маданияти ривожланаётганидан далолат беради.

Бугунги кунда бутун дунё ҳамжамиятининг эътибори санъатни инсонийлаштириш ҳамда гўзаллаштириш муаммоларига қаратилган. Илғор фикрли мутахассис-олимлар, мусаввирлар эстетик қадриятларни янада ривожлантириш, инсоният олдида турган долзарб вазифалар ечимини топиш устида бош қотиришмоқда. Бу борада мамлакатимизда ҳам эътиборга молик тажриба вужудга келтирилмоқда. Бадиий маданиятимизда турли ижодий ёндашувлардан ташкил топган янги фалсафий-эстетик парадигма шаклланмоқда. Мусаввирларга ижод эркинлиги, тасвирий санъат методини эркин танлаш, бадиий танқидчиларга фалсафий-эстетик қарашларини очиқ ифодалаш имконияти яратилган. Айни пайтда муаммонинг долзарблиги шундан иборатки, тасвирий санъат асарларини таҳлил қилишда танқидчилик имкониятларидан самарали фойдаланилмаслик оқибатида асоссиз мақтовлар, ўринсиз эътирофлар авж олган. Объектив ва субъектив сабаблар боис бадиий танқидчиликка фалсафий-эстетик фаолият тури сифатида қаралмай қўйилган. Бадиий танқидчилик – санъат асарларини таҳлил қилиб, ютуқ ва камчиликларини аниқлайдиган, эстетик жиҳатдан баҳолайдиган фаолият тури бўлиб, соҳанинг илмий-рационал жиҳатларидан мақсадли

фойдаланмасдан тасвирий санъатни ривожлантириб бўлмайди. Аммо бадий танқидчилик тасвирий санъатдаги янги бадий-услубий изланишлардан орқада қолмоқда. «Оммавий маданият», «оммавий санъат»нинг халқ маънавиятига салбий таъсири ҳамда ижодкорларнинг ғайрихаётий даъватларга эргашиш хавфи олдини олиш учун бадий танқидчиликнинг илмий-рационал жиҳатларини чуқур таҳлил қилиш, такомиллаштириш, мавжуд муаммоларнинг илмий ечимларини топиш зурур.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ–406-сон «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 15 февралдаги ПФ–4956-сон «Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 1 майдаги ПФ–5030-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ–2894-сон Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида Адиблар хиёбонини барпо этиш тўғрисида»ги, 2017 йил 31 майдаги ПҚ–3022-сон «Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Жамиятни ислоҳ этиш ва модернизациялаш жараёнида миллий, адабий, тарихий ва диний кадриятлар, миллий ғоя, эстетик-бадий тарбия, санъат, моддий ва номоддий маданий мерос, миллий давлатчилиги тарихини тадқиқ этиш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг асарлари¹ асосида тараққиётнинг «ўзбек модели» амалга оширилиши, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясидаги ижтимоий соҳани ривожлантиришга оид концептуал ғоялар мазкур тадқиқотга илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилди.²

¹Каримов И.А. Асарлар тўплами. Т. 1–24. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993–2016.

²Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 2016.– 56 б.; Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 48 б.; Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик коидаси бўлиши керак. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.; Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.

Буюк аждодларимиз Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино¹, Алишер Навоий, Маҳмудхўжа Бехбудий асарларида бадий ижод масаласига алоҳида эътибор қаратилган, жумладан, Алишер Навоий ўзи билан замондош ижодкорлар асарларини ўрганишга адабий-танқидий ёндашиб, «замондошларининг ўз ҳунарини эгаллашга жиддий эътибор бериш ўрнига мақтанчоқлик йўлига кириб кетганликларини очиқ ва кескин танқид қилади»².

Ўзбекистонда бадий танқидчилик ва тасвирий санъатнинг генезиси, функциялари, бадий-эстетик муаммолари, ижтимоий борлиқни англашдаги аҳамияти, эстетик дидни шакллантиришдаги ўрни масалалари Р.Тоқтош, М.Нурматов, А.Ҳакимов каби олимлар томонидан тадқиқ этилган.³

Т.Маҳмудов санъатнинг фалсафий-эстетик моҳиятини республикамизда биринчилардан бўлиб муаммо сифатида ўрганган. У «санъат ўлчови», психологик, математик методлар, айниқса, гипертрофияни мусаввирлар асарларидаги бадий-эстетик қимматни аниқлашга татбиқ этган.⁴ Олим тасвирий санъатнинг фалсафий-эстетик тадқиқига бағишланган йирик илмий изланишида ўзбекистонлик мусаввирларнинг ижоди ва асарларини таҳлил қилиб, улардаги реализм, романтизм, гуманизм, тарихий-объективлик, психологизм, импрессионизм, анъанавий реализм, танқидий реализм каби ранг-баранг ёндашувларнинг фалсафий-эстетик моҳиятини очиқ берган.⁵

Э.Геннекен, Г.Хоум, К.М.Долгов, А.Кантор, Л.Г.Верещагина, В.М.Петров, Ю.Б.Борев, А.Я.Зись, Б.М.Бернштейн каби хорижлик олимларнинг илмий асарларида тасвирий санъат – миф, инсоннинг «ўзини ўзи алдаши», «овунтириш» эканини асослашдан тортиб, унинг сюрреализм воситаси сифатида талқин қилишга бўлган уринишлар учрайди⁶.

Бироқ ҳозиргача эълон қилинган кўпгина тадқиқотларда бадий танқидчиликка фалсафий-эстетик изланиш, ижодий фаолият тури сифатида қараш шаклланмаган. Уларда бадий танқидчиликнинг ўзи алоҳида объект сифатида тадқиқ қилинмайди, методологик асослари, тасвирий санъатга рационал таъсири ўрганилмайди. Бугунги кунда бадий танқидчиликнинг

¹Беруний ва Ибн Синонинг савол-жавоблари. –Тошкент: Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашриёти, 1950. – 14–18 б.

²Ҳайитметов А. Навоийхонлик сухбатлари. –Тошкент: Ўқитувчи, 1993. – 152 б.

³Такташ Р.Х. Художественно-критические этюды(Пути и проблемы становления узбекского современного изобразительного искусства). –Тошкент: Фан, 1992. –258с.; Нурматов М. Танқид ва эстетика. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. – 172 б.; Ҳакимов А. Искусство Узбекистана: история и современность. –Тошкент: San'at, 2010. –504с.

⁴Маҳмудов Т., Петров В. Вопросы методологии эстетического анализа искусства. – Ташкент: Фан, 1984. – 197-228с.

⁵Маҳмудов Т. Эстетика живописи Узбекистана. –Ташкент: Изд-во лит.и искусства им. Г.Гуляма, 1983.

⁶Геннекин Э. Опыт построения научной критики. СПб., 1892. –106с.;Хоум Г. Основания критики // Вступ. ст. И.С. Нарского. Пер. с англ. З.Е. Александровой. Комментар. Э.В. Леонтьевой. М.: Искусство, 1977. –615с.; Долгов К.М. Эстетика и художественная критика. – М.: Знание, 1972. –64с.; Кантор А. Искусствознание и художественная критика. «Единый художественный рейтинг». Вып. 5. М., 2002.; ВерещагинаЛ.Г. Критики и искусство. – М.: Прогресс–Традиция, 2004. –744с.; Петров В.М. Количественные методы искусствознания. – М.: Мир, 2004. –432с.; Борев Ю.Б. Эстетика. – М.: Высш. шк., 2002. –511с.; Методологические проблемы художественной критики// Отв.ред. А.Я.Зись. – М.: Искусство, 1987. –334с.; Бернштейн Б.М. Об искусстве и искусствознании. – СПб.: Изд. им. Н.И. Новикова, 2012.–526с.

фалсафий-эстетик масалаларини ўрганиш, уни илмий ижод тури сифатида шакллантиришга эҳтиёж ортмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишларирежалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Эстетика назарияси ва тарихи масалалари» ҳамда «Амалий эстетика ва унинг ҳозирги замон тараққиётидаги ўрни» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бадиий танқидчилик ва тасвирий санъатга оид замонавий дискурс доирасида шаклланган концептуал назарияларни фалсафий-эстетик жиҳатдан умумлаштириш асосида соҳани такомиллаштириш бўйича илмий хулоса ва таклиф-тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«бадиий танқид» («бадиий танқидчилик») тушунчасининг этимологик, аксиологик, социологик ва фалсафий-эстетик талқинларини таҳлил қилиш ҳамда мазкур тушунчага янги таъриф бериш;

бадиий танқидчиликнинг илмий-рационал жиҳатлари ва улардан фойдаланиш имкониятларини аниқлаш;

артметрия, социометрия ва фалсафий-эстетик ёндашувларнинг тасвирий санъат асарларини тадқиқ этиш усулларини аниқлаш;

мусаввир асарлари ва услубий изланишларини баҳолашнинг полистилистик хусусиятларини очиб бериш;

бадиий маданият ва ижтимоий сингармонизм – бадиий танқидчилик предмети эканлигини назарий асослаш;

тадқиқот натижалари асосида илмий хулосалар, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти бадиий танқидчиликнинг тасвирий санъатни раванқ эттириш имкониятлари.

Тадқиқотнинг предмети бадиий танқидчиликнинг илмий-рационал жиҳатлари ва миллий тасвирий санъатдаги бадиий-услубий ўзгаришлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда фалсафанинг – анализ ва синтез, тизимли-функционал ёндашув, объективлик, санъатшуносликнинг – артметрия, социометрия, композициявий структуравий таҳлил, социологиянинг – кузатув, сўровнома, интервью, суҳбат, контент-анализ, экспресс савол-жавоб, социодинамик таҳлил каби илмий тадқиқот усуллари қўлланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сингармонистика (жамият ва ижодкор мақсадларининг уйғунлиги) билан тасвирий санъат полистилистикаси ўртасидаги алоқадорлик ва ҳамкорликнинг жамият ижтимоий-маънавий тараққиётига таъсири очиб берилган;

тасвирий санъат асарини баҳолашнинг триада – борлиқ – мусаввир – реципиент – учлик тизимига жамият киритилиб, борлиқ – мусаввир – реципиент – жамият – тетра-тўртлик тизими ишлаб чиқилган;

миллий матбуот ва бадиий танқидчилик ҳамкорлигини мустаҳкамлаш тамойиллари (объективлик, танқид этикаси), бадиий танқидчиликнинг полистилистик асослари ва функционал хусусиятлари ишлаб чиқилган;

ҳар бир реципиент, бутун социум, жамият бадиий танқидчи ролини бажариши мумкинлиги, бу борада ижтимоий фикр катта аҳамиятга эгаллиги, бадиий танқидчиликнинг баҳоси, таҳлили ижтимоий фикр билан бойитилиши зарурлиги тўғрисидаги таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бадиий танқидчиликнинг тасвирий санъат равнақига таъсир этувчи имкониятларидан унумли фойдаланиш механизмлари ишлаб чиқилган;

бадиий танқидчиликнинг илмий-рационал жиҳатларини янада такомиллаштириш ва шу орқали унинг тасвирий санъат ҳамда жамиятнинг ижтимоий-маънавий тараққиётига позитив таъсир этиши юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, респондентлар билан ўтказилган савол-жавоб, интервьюлар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда илгари сурилган концептуал ғоялардан эстетика, санъатшунослик, бадиий танқидчилик, маданиятшунослик, социология фанлари бўйича ўтказиладиган тадқиқотлар ҳамда методологик ёндашувларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертацияда баён қилинган ёндашувлар тасвирий санъатни тарғиб этувчи кўرғазма заллари, галереялар, музейлар, маданий-маърифий муассасалар, халқ ижодиёти уйлари, маданият саройлари, миллий-маданий марказлар, маҳаллалар, таълим-тарбия даргоҳлари, ижодий уюшмалар, ассоциациялар фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилишида кўринади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бадиий танқидчиликнинг илмий-рационал жиҳатлари ва унинг тасвирий санъатдаги инъикоси бўйича ишлаб чиқилган фалсафий-эстетик таклифлар асосида:

сингармонистика (жамият ва ижодкор мақсадларининг уйғунлиги) билан тасвирий санъат полистилистикаси ўртасидаги алоқадорлик ва ҳамкорликнинг жамият ижтимоий-маънавий тараққиётига таъсири хусусидаги тавсиялардан Ўзбекистон Бадиий академияси Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган «Энг улуғ, энг азиз» (17.08.2016), шунингдек, «Гўзал

ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним» (18.08.2016) мавзуларидаги кўргазмаларда фойдаланилган (Ўзбекистон Бадий академиясининг 2017 йил 31 майдаги 01–16/308–859-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши бадий ижод жараёнларини жамият эстетик тараққиёти манфаатларига йўналтириш, ижодкорлар билан жамият ўртасидаги сингармоник алоқаларнинг креатив хусусият касб этиши, кўргазмалар фалсафий-эстетик мазмунининг бойиши ҳамда томошабинларнинг ижодкор шахси, ижодий жараён ва тасвирий санъат асарларига бўлган эстетик қизиқишини ошириш имконини берган;

тасвирий санъат асарини баҳолашнинг борлиқ – мусаввир – реципиент – жамият – тетра-тўртлик тизими борасидаги таклиф ва тавсиялардан 2015–2016 йилларда Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Madaniyat va ma'rifat» телеканалининг «Мўйқалам мўъжизалари» ҳамда «Бугун» кўрсатувлари сценарийларида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2016 йил 5 июлдаги 01–17–388-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар кўрсатувларнинг объектив, холис ёндашув асосида тайёрланиши, эстетик таъсирчанлиги, бадий-эмоционаллиги, тарбиявий жиҳатини оширишга имкон берган;

миллий матбуот ва бадий танқидчилик ҳамкорлигини мустаҳкамлаш тамойиллари хусусидаги таклиф ва тавсиялардан 2015–2016 йилларда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги «Театр» журнали фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2016 йил 1 августдаги 01–11–14–4016-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий қилиниши журнал нуфузини ошириш ҳамда ўқувчилар аудиториясини кенгайтириш имконини берган;

ҳар бир реципиент, бутун социум, жамият бадий танқидчи ролини бажариши мумкинлиги, бу борада ижтимоий фикр муҳим аҳамиятга эгаллиги, бадий танқидчиликнинг баҳоси, таҳлили ижтимоий фикр билан бойитилиши зарурлиги тўғрисидаги таклифлардан «Ижтимоий фикр» жамоатчилик марказининг 2016 йилда ўтказилган «Ўзбекистон ёшлари: ҳаётий қадриятлар, маънавият, келажак режалари» мавзусидаги комплекс социологик тадқиқот саволномасини ишлаб чиқишда фойдаланилган («Ижтимоий фикр» жамоатчилик марказининг 2017 йил 27 апрелдаги 01–16/133-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши социологик сўровларнинг ижтимоий-фалсафий моҳиятини бойитиш, объективлиги ва ҳаққонийлигини таъминлашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан, 2 та халқаро ва 4 та илмий-амалий анжуманда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та

мақола, жумладан, 7 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 138 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазибалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Бадиий танқидчиликнинг илмий методологик ва концептуал масалалари» деб номланган биринчи бобида бадиий танқид тушунчаси ва унинг илмий-назарий талқинлари, фалсафий-эстетик ва герменевтик моҳияти, хусусиятлари, бадиий танқидчиликда илмийлик, рационаллик ҳамда объективлик масалалари тадқиқ этилган.

Бадиий танқидчиликнинг генезиси ўрганилиб, тадқиқот натижалари асосида Алишер Навоий – ўзбек бадиий танқидчилигининг асосчиси деган хулосага келинган. Навоий бадиий танқидчилигининг кўриниш ва усулларини: 1) ижодкорнинг яратган асарига мувофиқ баҳолаш; 2) иқтидорга муносиб баҳо бериш; 3) панд, насиҳат ва тарбия билан ижодга чорлаш; 4) кескин танқид; 5) киноя, ҳазил-мутойиба, пичинг ёки «қизим сенга айтаман, келиним сен эшит» қоидасига мувофиқ танқид каби таснифлаш мумкин. Бадиий-эстетик ижод, энг аввало, ижодкор асарлари орқали баҳоланади, чунки кимнинг кимлиги унинг фикрларида, амалларида намоён бўлади. Шу билан бирга Навоий бадиий-эстетик ижод узоқ, жиддий изланишлар, меҳнат, азият чекиш орқали ўрганилишини ҳам унутмаган. Шоирнинг ёш иқтидорларга, устозларга муносабати бадиий танқидчилик ижодкорга қандай позитив таъсир этиши зарурлигидан далолат беради. Танқид яқсон қилиш, йўққа чиқариш, нозик ҳис-туйғуларни ўлдиришга эмас, яратишга, ижод қилишга ундаши лозим.

Минг афсуски, Навоийнинг бадиий танқидчиликка оид фундаментал, фалсафий-эстетик қарашлари кейинги асрларда давом эттирилмади. Тўғри, Навоийнинг замондошлари ва издошлари бўлган Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Бадойиъ ул афкор фи санойиъ ул ашъор» ва Шамсиддин Муҳаммад бинни Қайс Розийнинг «Ал-Мўжам» асари бадиий санъат ва «илми нақд» (адабий танқид – Л.Б.)га бағишланган. Унда нақд илми бадиий асарлар, улардаги бадиий-эстетик ғояларни «сараламоқ» ва «соф» тангани қалбаки тангадан ажратмоқ дегани¹, деб қайд этилади. Аммо Кошифийдан кейин бадиий

¹Назаров Б., Расулов А., Ахмедова Ш., Қахрамонов Қ. Ўзбек адабий танқиди тарихи. – Тошкент: Tafakkur qanoti, 2012. – 56.

танқидчиликка оид асарлар учрамайди. XX асрдан кейинги ўзбек бадиий танқидчилиги ижтимоий ҳаётдаги социодинамик ўзгаришларга мувофиқ рус танқидчилиги ва жаҳидларнинг бадиий-эстетик қарашлари таъсирида янги кўринишга ўтади. Тасвирий санъатга оид илк бадиий-танқидий асарлар ҳам ўша социодинамик ўзгаришлар маҳсули ҳисобланади. Мазкур ўзгаришлар: 1) рус бадиий танқидчилиги; 2) Европа санъаткорларининг бадиий-эстетик асарлари; 3) жаҳидларнинг миллий бадиий-эстетик ғоялари; 4) замонавий тасвирий санъат турларининг вужудга келиши; 5) бадиий-эстетик ижоднинг оммалашуви натижасида шаклланган ранг-баранг йўналишлар, плуралистик ёндашувлар ва мактабларнинг таъсирини ифода этади. Ҳозир ўзбек тилида қўлланиладиган «баҳолаш», «муҳокама қилиш», «таҳлил этиш», «талқин», «бахс», «тортишув» каби маъноларни англатувчи «танқид» сўзи русча «критика», грекча «kritike» сўзларига мувофиқ, синонимдир.

Бобда бадиий танқидчиликнинг фалсафий-эстетик ва герменевтик моҳияти ҳамда хусусиятлари ҳам ўрганилган. Танқидчилик ижодкорнинг олами, ижтимоий борлиқни бадиий-эстетик воситалар орқали англашга, тушунишга қаратилган фаолиятини ўрганади. Бадиий танқид англаш (ижодкор, объект)ни англаш (танқидчи, субъект) тарзидаги фаолият тури сифатида келади. Улар бир-бирига субстанционал боғлиқ, биринчиси, яъни бадиий-эстетик ижод, асар, артефакт – объект бирламчидир, иккинчиси – субъект, яъни танқид биринчидан келиб чиқади, биринчи иккинчининг объектидир. Аммо гносеологик нуқтаи назардан қараганда улардаги олами, ижтимоий борлиқни англаш айнан эмас, ҳеч қачон, ҳатто идеал кўринишда ҳам улар айнан бўла олмайди. Инсонларнинг олами, ижтимоий борлиқни англаши ҳар хил кечганидек, ижодкор ва танқидчининг оламга, ижтимоий борлиққа муносабатлари ҳам турлича. Аслида бу ҳар бир кишининг субъект сифатида фаолият кўрсатиши, объектни англашининг мудом индивидуал, бетакрор ҳодиса эканлигини кўрсатади. Ижодкор ўзи биладиган, ўрганадиган нарсаларга нисбатан субъект, аммо бадиий танқидчи учун объектдир. Биз ижодкорнинг объектлигини назарда тутганимизда танқидчининг субъектлигидан келиб чиқамиз. Субъектнинг фаол муносабати ҳали объектнинг хусусиятларини англамайди, у субъектнинг дунёқараши, ҳаётий позицияси, билими ва антипатия-симпатия каби амбивалент муносабати кабиларнинг маҳсули бўлиши аксиомадир. Ижодкор яратган асарлар, артефактлар ёлғиз унинг рефлексив, гносеологик изланишлари, танлаган ижодий изланишларининг натижаси ҳисобланади. Мазкур жараёнга ҳеч ким аралаша олмайди. Танқид – мазкур жараённинг натижаларига берилган баҳо. Бу танқидчилик иккинчи даражали воқеа, бадиий-эстетик инъикоснинг талқини, у ижодкор изланишларига ҳеч қандай таъсир ўтказа олмайди, деган хулосага олиб келмайди.

Танқидчи мудом бирламчи объектдан ташқарига чиқиш, ижтимоий ҳаёт, давр талабларига мувофиқ фикр юритиш, баҳолашга мажбур. Бадиий танқидчиликнинг ижтимоий фойдали фаолият тури экани ҳам шунда. Танқидчи ижтимоий ҳаёт, давр талабларини бадиий-ижодий изланишларга проекция қилади, уларни жамиятнинг стратегик мақсадларига йўналтиради.

Бунинг учун эса танқидчидан нафақат бадий ижод сирлари ва қонунларидан, шунингдек, ижтимоий ҳаёт, давр талаблари мужассамлашган жамиятнинг бадий маданиятидан яхши хабардор бўлиш, унинг сингармоник алоқаларини билиш, асослай олиш қобилияти ҳам талаб этилади.

Бадий ижоднинг кўпинча лойиҳалаштирилмагани бадий танқидчиликка ҳам олдиндан лойиҳалаштириш бегона, деган қарашни келтириб чиқаради. Шоирнинг эртага қандай шеър ёзиши, мусаввирнинг кеча чизган портретини бугун ёки эртага қандай яқунлаши маълум эмас, ижодкорлар бу ҳолни кўпинча «илҳом келди» ёки «илҳом келмади» деган тушунчалар билан изоҳлашади. Бадий танқидчилик эса лойиҳалаштирилиши, режалаштирилиши мумкин бўлган фаолият тури. Айнан ушбу хислати туфайли бадий танқидчиликка илмийлик ва рационаллик хос.

Бадий асарлар ва артефактлар фалсафий-эстетик муаммоларни ўрганмайди, тадқиқ этмайди, балки улар ушбу муаммоларни тасвирлайди, уларнинг мавжудлигига ўқувчилар ва реципиентларнинг диққатини жалб этади. Бадий танқидчилик бадий асарлар ва артефактларда ҳаётий муаммолар қандай, қайси усуллар ва воситалар билан тасвирлангани, мазкур тасвирлар қанчалик объектив, таъсирчан ва мазмунан бой эканлигини очиб беради. Шу тариқа у ўз объектининг қанчалик ҳаётийлиги, инсоннинг маънавий олами, дунёқарашини бойитиши ёки аксинча, инсондаги деструктив кучларни қўллаб-қувватлаётганини илмий асослайди ҳамда бу борада бадий тўқималар ва образларга эмас, балки рационал фикрларга таянади. Шунинг учун ҳам бадий асарларнинг вазифаси – тасвирлаш, бадий танқидчиликнинг вазифаси – тасвирлаш усулининг ижобий ёки салбий эканини очиб бериш, баҳолаш. Бадий танқидчиликнинг ушбу илмий-эвристик хусусияти уни фалсафий-эстетик ижод, эпистемологик изланишлар турига айлантиради ва унинг рационал фикрларга таянишини кўрсатади.

Диссертациянинг «Бадий танқид ва мусаввир ижодий-услубий изланишларининг фалсафий-эстетик таҳлили» деб номланган иккинчи бобида бадий танқидчиликнинг эстетик объектлари ва методлари, артметрик таҳлил, мусаввир эстетик-услубий изланишларининг социометрик таҳлили тадқиқ этилган.

Диссертацияда бадий танқидчиликнинг фалсафий-эстетик ижод тури сифатида ўзининг объектлари ва илмий методларига эга эканлиги, ҳар бир объект гносеологик тадқиқ этилиши мумкин бўлганидек, инсон фаолиятининг барча кўринишлари фалсафий-эстетик идрок этилиши, таҳлил қилиниши, шунингдек, бадий танқидчилик нуқтаи назаридан қаралиши мумкинлиги асосланган.

Бадий танқидчиликнинг кенг маънодаги объекти бадий-эстетик борлиқдир. Бадий танқидчиликнинг ушбу хусусияти унинг объектларини юқоридан қуйига, умумийдан хусусийга қараб белгилашга ундайди. Бадий танқидчилик объектлари: 1) жамиятнинг бадий маданияти (мегамаданият); 2) мусаввирнинг бадий ижоди, креатив изланишлари; 3) аниқ бадий асар поғоналарига таснифланиб, фалсафий-эстетик моҳияти очиб берилган.

Илмий метод гносеологик мақсаддан келиб чикиб белгиланади. Гносеологик мақсад эса илмий-назарий изланишларнинг фалсафада ўрнатилган тартибларга мувофиқ олиб борилиши, эклектик воқеа-ҳодисаларга маълум бир тизимлилик, ташкил этилганлик берилишини тақозо этади. Шунинг учун ҳам тадқиқотчилар объектларини ўрганишга ёрдам берадиган илмий методларни гносеологик мақсади нуқтаи назаридан таснифлашга интиладилар. Тўғри, бу борада ҳаммага мувофиқ келадиган классификация йўқ, бўлиши ҳам даргумон. Афлотун бадий-эстетик воқеликни «эйдос», «ғоя» нуқтаи назаридан таҳлил қилса, Арасту поэтиканинг силлогизм ва стилистикасини ўрганишга эътибор беради. Ж.Вазари автобиографик ёндашувга мойил, А.Дьюрер пропорцияга, Леонардо да Винчи табиатга эргашиш (натурализм)га, П.Рубенс, Э.Делакруа, Т.Жерико, О.А. Кипренский, К. Брюллов романтизмга, Д.Дидро, Ж.Ж.Руссо, У.Хогарт, Ж.Греза, И.Репин, Р.Гуттузо, И.Н.Крамской, В.Г.Перов реализм, Р.Тоқтош, М.Абдуллаев, А.Ҳакимов, К.Оқилова, Э.Гул, Н.Аҳмедова тарихий-маданий усулларга, ёндашишларга таянадилар. Бадий ижод ва мусаввир креатив изланишларини баҳолашда, таҳлил қилишда шунчалик ранг-баранглик, плюрализм мавжудки, гоҳо ижодкорларнинг ўзи ҳам қайси илмий усулни, методни қўллаётганини изоҳлашга ожизлик қилади.

Диссертацияда бадий ижод ва мусаввир асарига артметрик таҳлилни қўллаш муаммолари тадқиқ этилган.

Артметрик таҳлил деганда мусаввирнинг бадий-ижодий изланишлари, унинг образлар, тасвирлар ва асарлар яратиш услубини ўрганиш назарда тутилган. Мазкур таҳлил бадий асарнинг ўзидан келиб чиқади. «Одамга ҳамма нарса берилган бўлавермайди, менинг ишларимдан қобилиятимга мувофиқ келмайдиган нарсани изламанг»¹, – деб ёзади Никола Пуссен. А.Дьюрер: «Ким тасвирий санъатни яхши тушунса ва ўз қўли билан уни исботлай олса, унинг маслаҳатини қабул қилиш керак»², – дейди.

Бадий ижодда орттирилган барқарор тажриба ва қисқа муддатли ҳолат таъсири ўз аксини топади. Биринчиси апостериори, иккинчиси аффектив хусусиятга эга. Иккинчисини Ж.Гибсон кинестезия, яъни ҳаракат жараёнида пайдо бўладиган муваққат кечинмалар ифодаси деб билади. Рационал фикрлашга ўрганган мусаввир апостериор изланишга мойил бўлади, у кўп йиллик тажрибасига таянади, реал борлиқ талабларининг бадий-ижодий, креатив изланишларга таъсирини унутмайди. Бундай рационаллик социометрик ёндашувга хос. Артметрия эса бадий-ижодий, креатив изланишларнинг ичига қаратилади, шунинг учун унга психологик, танқидий таҳлил яқинроқ. Айнан психологик, кинестик таҳлил бадий ижоднинг дарров кўзга ташланмайдиган ички сирлари, қонуниятларини англашга ёрдам беради. Апостериор изланиш ҳис-туйғуларни, бадий-ижодий, креатив изланишларга жозиба берувчи ички сирларни ақл-идрок, рационал доирасида ушлаб туради, ички кечинмаларни эркин, тўла ифодалашга имкон бермайди.

¹Мастера искусства об искусстве. Т. III. – Москва. Искусство, 1967. –270с.

²Ўша асар. Т. II. – Москва: Искусство, 1966. –325с.

Бадий танқидчилик креатив изланишларга хос ушбу хусусиятлардан яхши хабардор бўлиши, ўзининг илмийлиги ва рационаллигини ягона мезон сифатида мусаввирга мажбуран талқин қилмаслиги зарур. Инвариантлик нафақат мусаввир изланишларига, шунингдек, бадий танқидчиликка ҳам хос.

Артметрия бадий асарнинг композицияси, ундаги ранглар уйғунлашуви, ёруғлик, нимсоя ва соялар комбинацияси, образларнинг реаллиги, ҳатто холст (мато)ни тайёрлаш жараёнларини ҳам эътибордан қочирмайди. Асардаги фалсафий-эстетик ғоя, реципиентга етказилмоқчи бўлган фикр, талқин ҳам артметрия объекти (предмети) бўлиши мумкин.

Мазкур бобда мусаввир фалсафий-эстетик изланишларини социометрик таҳлил қилиш услуби ҳам тадқиқ қилинган.

Социометрик таҳлил – бадий ижод ва мусаввир асарлари, креатив изланишларини ижтимоий фойдалилиги, жамият манфаатлари ва тараққиётга хизмат қилиши нуқтаи назаридан ўрганиш усули. Унда асосий эътибор бадий ижод, креатив изланишларнинг ижтимоий йўналтирилганлигига, кишилар, реципиентлар, жамият манфаатларига мувофиқлигига қаратилади.

Жамият ва ундаги ижтимоий воқеа-ҳодисалар, объект (предмет)лар институционалиги билан хаосдан фарқ қилади; санъат асари ва бадий ижод тизимларни, улардаги муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилгани учун ҳам ижтимоий аҳамиятга эга фаолият туридир. Шунингдек, санъат асари ва бадий-ижодий, креатив фаолият ҳам маълум бир тизим. Социологик таҳлил бадий ижод ва мусаввир асарини ҳам, улар хизмат қиладиган «бюроетмачи» – гуруҳлар, жамият, бадий маданиятни ҳам институционал тизимлар сифатида ўрганади. Аммо унинг диққати экстравертив, ташқарига қаратилган. Бу хусусияти билан у интравертив артметрик таҳлилдан фарқ қилади.

Диссертацияда бугун тасвирий санъатда юзага келаётган жанрлар ва усуллар полистилистик меъёрлар билан баҳолашни анъанага айлантираётгани таъкидланган. Уни полистилизм деб аташ мумкин.

Полистилистик усулдаги асарда бир неча жанр ёки усуллар уйғун келади. Масалан, Ж.Умарбековнинг Ч.Аҳмаровга бағишланган «Хумо – бахт қуши» (1982), «Олтин шафтолилар» (1979), Л.Тиоранинг «Рух жангчилари» (2012), «Қизил фаришта» (2014), А.Лукониннинг «Парвоздаги варраклар» (2000), Л.Ибрагимовнинг «Атлас қушчалар» (2004), В.Исҳоқовнинг «Яшил олма ушлаган қиз» (1998), М.Қорабоевнинг «Асю» (1998) ва «Адашган қалдирғочлар чархи» (2000), М.Кагаровнинг «Дарвеш ва гўзал» (1999), «Шаҳар ташқарисидаги учрашув» (2000), Б.Жалоловнинг «Композиция» (1996), Акмал Нурнинг «Оқ шеър» (1997) каби рангтасвирларида қандайдир реал образлар, объектлар билан бирга абстракционизм, бошқа бирор усул билан аташ қийин композициялар, сюжетлар, дақиқалар ифодаланган. Уларнинг полистилистик услубдалиги ҳам шунда. Полистилистика ижтимоий-маданий ҳаётда кечаётган ўзгаришлар инъикоси сифатида мусаввирлар креатив изланишларида намоён бўлмоқда. Демак, унинг генезисада социал омиллар таъсири ётади. Шунинг учун танқидчи мусаввир

кетидан кўр-кўрона эргашувчи, унга мадҳиялар тўқувчи эмас, у мусаввир креатив изланишларини илмий рационал, ижтимоий манфаатлар нуқтаи назаридан баҳолаши даркор.

Диссертациянинг учинчи боби «Бадиий танқидчиликда полистилистика ва сингармонистика» деб аталади. Мазкур бобда бадиий танқидчиликнинг полистилистик асослари ва функционал хусусиятлари, полистилистик изланишларда классицизм, романтизм ва реализм, тасвирий санъат ва ижтимоий сингармонизм масалалари тадқиқ этилган.

Бадиий танқидчиликнинг полистилистик хусусияти унинг кўринишлари ва функцияларида ўз ифодасини топади. Бадиий танқидчилик ранг-баранг талқинлар, ёндашувлардан иборат. Аммо полистилистика бадиий танқидчиликка маълум бир тизим, сингармоник алоқаларига эса маълум бир схема сифатида қарашга ҳалақит бермайди.

Аксарият адабиётларда бадиий танқидчиликнинг кўринишлари ва функциялари борлиқ – мусаввир – реципиент (триада) тизими сифатида ўрганилади. Бу ўринда «мусаввир»га субъект, ушбу субъектнинг креатив изланишлари, асарлари, реципиент билан алоқалари киритилади. «Реципиент» деганда мусаввир асарини томоша қилувчи, ўрганувчи, идрок этувчи, баҳоловчи, у ҳақда баҳс юритувчи инсон назарда тutilади. Тадқиқотда мазкур триада тизимига «жамият» ҳам киритилган. Ҳозир мусаввирнинг рефлексив, ҳатто экстериоратив (ташқи оламдан узоқлашиши) изланишлари асосий меъёр, ўзига хос, бетакрор услуб сифатида қаралаётганда жамият, унинг стратегик мақсадини триада тизимига киритиш шарт. Тўғри, жамиятни реципиент сифатида (таркибида) қараш мумкин. Бироқ жамият реципиентдан кенг бўлиб, у нафақат санъаткорга, шунингдек, барча реципиентларга ҳам йўналиш беради, уларда фалсафий-эстетик ғояни шакллантиради. Шунинг учун жамият шунчаки оддий реципиент эмас, у кенглиги, санъаткор ва кишиларга экзистенциал таъсир этиши, ўзининг стратегик мақсадига мувофиқ фалсафий-эстетик қадриятлар, ғоялар яратиши билан фарқ қилади, мавжуд ранг-баранг, гоҳо бир-бирига зид бадиий йўналишлар ва санъаткорларни бирлаштиради. Ушбу борлиқ – мусаввир (асар) – реципиент – жамият тетра (тўртлик) тизимигина тасвирий санъатни «санъат санъат учун» тарзида қарашдан, баҳолашдан асрайди, санъаткор ижодини миллий замин, социум манфаатлари, жамият тараққиёти билан сингармоник уйғунликда қараш имконини беради. Бадиий ижоддаги индивидуалликни ҳам ижтимоий сингармонизм билан уйғунликда тадқиқ қилиш фақат тетра (тўртлик) тизимидагина мумкин.

